



Ўзбекистон Президенти амалий ташриф билан БААда бўлади

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Араб Амирликлари Президенти Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаённинг таклифига биноан 30 ноябрь – 2 декабрь кунлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқлим ўзгариши масалалари бўйича конференциясида иштирок этиш учун Дубай шаҳрида бўлади.

Иқлим бўйича глобал саммитда дунёнинг 150 дан ортиқ мамлакатларининг давлат ва ҳукуматлари, нуфузли халқаро ташкилотлар ва молиявий институтлар раҳбарлари қатнашади.

Тадбир кун тартибидан БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги Ҳадли конвенцияси асосий қоидаларини амалга ошириш, бугунги экологик таҳдид ва хатарларга қарши курашиш, “яшил” тараққиёт мақсад ва вазифаларини илгари суришда кенг ҳамкорлик масалалари ўрин олган.

Давлатимиз раҳбари саммитнинг ялпи сессиясида нутқ сўзлаши ҳамда қатор икки томонлама учрашув ва музокаралар ўтказиши кутилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси БМТнинг Ҳадли конвенциясига 1993 йилда қўшилган, 2018 йилда мамлакатимиз Париж битими иштирокчиси бўлди.

president.uz

Фракция йиғилиши

Фуқаролар сарсонгарчилиги олди олинади

ЖАЗО КУЧАЙМОҚДА:

Мавзуга қайтиб



жарима
12 баллдан
ошса,
ҳайдовчи
транспорт
бошқариш
ҳуқуқидан
маҳрум
этилади

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида кўриб чиқилган “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасига кўра, ҳайдовчилар томонидан содир этилган қоидабузарликлар учун жарима баллари ҳисоблаш тизими жорий этилиши белгиланмоқда. 2022 йил ишлаб чиқилган қонун лойиҳасининг ниҳоят кучга кираётгани кўпчиликнинг кўнгилдаги иш бўлди, албатта.

Муносабат



Acwa Power

Сирдарёдаги қиймати 1,1 миллиард доллар бўлган иссиқлик электр станцияси лойиҳаси 3 миллиондан зиёд хонадон ва юзлаб саноат корхоналарининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжини таъминлашга имкон беради.

Саудия Арабистонининг ACWA Power компанияси билан ҳамкорликда Сирдарё вилоятида 1500 мегаватт қувватли буғ-газ электр станциясини тармоққа улаш ҳамда Тошкент вилоятида “яшил водород”ни “пилот” тарзда ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш лойиҳаларига старт берилди.

ОБ-ҲАВО ИНЖИҚЛИКЛАРИ энди бизни чўчитолмайди!

Иномжон ҚУДРАТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги «Адолат» СДП фракцияси аъзоси

Замонавий технологиялар тараққий этиб, ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб бораётган айни даврда турмушимиз фаровонлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этадиган энергетика ресурслари, ҳеч муболагасиз, ҳаёт-мамонт масаласидир.

Шу боисдан бугунги кунда аҳоли-мизни табиий газ, электр энергияси ва бошқа зарурий ресурслар билан тўлақонли таъминлаш масаласига давлатимиз томонидан жиддий эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис палаталари ва Ўзбекистон халқига Мурожаатида иқтисодиётимиз барқарор ривожланиши учун энергетика соҳасига 25-30 миллиард доллар инвестиция кераклиги, бунга фақатгина

хусусий инвестицияларни жалб қилиш орқали эришиш мумкинлиги, шу боис, сўнгги уч йилда соҳага 8 миллиард долларлик тўғридан-тўғри инвестициялар жалб қилинганлиги ҳақида тўхталганлигини яхши биламиз. Шу мақсад йўлида қуввати 1,5 минг мегаваттлик 7 та электр станцияси ишга туширилганлиги, яна 4,5 минг мегаваттлик 11 та йирик лойиҳа якунига етказилиши, айрим вилоятларда барпо этиладиган қуёш ва шамол электр станциялари ҳисобидан қўшимча 14 миллиард киловатт электр ишлаб чиқарилиши орқали хонадонларга бериладиган электр энергияси 50 фоизга кўпайиши, шу билан бирга, энергия самарадорлигини ошириш Мил-

лий дастурини қабул қилиниши зарур эканлиги ҳам мамлакатимиз етакчиси томонидан алоҳида таъкидланган эди.

Энергетика соҳасини янада ислоҳ қилиш мақсадида ўтган даврда Президент фармон ва қарорлари, Ҳукумат қарорлари қабул қилиниб, зарур ҳуқуқий асослар яратилди.

Шунга мувофиқ, соҳага тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш орқали иссиқлик электр станциялари, қайта тикланувчи энергия манбалари, яъни қуёш ва шамол электр станцияларини барпо этиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бирига айланди.

Бугунги сонда:

ҚОНУН ҲИМОЯЧИСИ ЖИНОЯТГА ҚЎЛ УРДИ...

Р.Омонтошев Миллий гвардияга қарашли Тошкент вилояти Қўриқлаш бошқармасида назоратчи вазифасида ишлаган. Олий маълумотли, оилали, икки нафар фарзанднинг отаси бўлган бу кимса оқибатни ўйламагани учун жиноят йўлига кирди.

Европа демократияси НИМА?

Ғарб демократияси ғояларининг бундай тубанликка кетиши, инқирозга юз тутиши нафақат жаҳон ҳамжамятининг илғор, ҳалол ва пок, юқори ахлоқий меъёрларни тарғиб қилувчи, маънавиятли инсонлари томонидан, балки Европа давлатларида яшовчиларнинг ҳам эътирозига, танқидига учрамоқда.

“ADOLAT”
газетасига
2024 йилга
обуна давом этмоқда
Обуна
индекси — 100



Фуқаролар сарсонгарчилиги олди олинади



Сўнгги йилларда ички ишлар органлари тизимида хотин-қизлар ва болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, уларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш, шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг маънавий ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш борасида кенг қўлмалли ишлар амалга оширилди. Шу билан бирга, кейинги пайтларда республикада вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарлик ҳолатлари ортиб бораётганлиги ҳамда муаммоли ўқувчилар билан уларнинг ота-оналари иштирокида манзилли ишлаш тизимида камчиликлар мавжуд эканлиги кузатишмоқда.

Ушбу қонун лойиҳаси билан вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-психологларнинг ҳамда ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси

бўлиналари хотин-қизлар масалалари бўйича (катта) инспекторларининг ваколатлари кенгайтирилипти. Шу мақсадда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 248-моддасига қўшимчалар киритилипти.

Яъни, вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-психологларга вояга етмаганларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларини бажармаганлиги учун ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга нисбатан маъмурий жазо қўллаш ҳуқуқи берилиши назарда тутилган. Шунингдек, хотин-қизлар масалалари бўйича инспекторларга ҳимоя ордери талабларини бажармаслик учун назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида баённома тузиш ваколати берилиши кутилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши хо-

тин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ишлари самардорлигининг ошишига, инспектор-психолог ва хотин-қизлар масалалари бўйича инспекторларнинг мавқеини кўтаришга, профилактика инспекторлари иш юктамаларини енгиллаштиришга, фуқаролар сарсонгарчилигининг олди олинишига хизмат қилади.

Муҳокамалар давомида қонун лойиҳаси юзасидан депутатлар томонидан бир қатор саволлар қўтарилди. Айрим нормалар юзасидан асосли таклифлар, фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Қонун ташаббускорлари берилган барча саволлар бўйича тушунтиришлар бериб, билдирилган таклифлар қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида эътиборга олинини қайд этдилар.

Узоқ давом этган савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан маъқулланди.

ЖАЗО КУЧАЙМОҚДА:

жарима 12 баллдан ошса, ҳайдовчи транспорт бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилади

Гулбаҳор ҚОБУЛОВА,
“Адолат” СДП Матбуот хизмати бош мутахассиси

Аҳолига енгиллик яратиш мақсадида, йўл ҳаракати қоидабузарлиги учун жарима тўловлари 15 кун ичида амалга оширилганда белгиланган миқдорини тенг ярмига қадар қисқартириш имконияти яратилган эди. Бироқ беш қўл баробар эмас деганларидек, минг афсуски, юртдошларимиз орасида яратилган имкониятни енгиллик сифатида эмас, аксинча, қоидабузарлиқни касбга айлантиришлари учун қўлай шароит сифатида баҳоловчилар кўпчилигини ташкил этишини кўрсатди. Кучга қираётган янги қонун лойиҳаси бандларига кўра, жарима баллари ҳуқуқбузарлик биринчи марта содир этилган кундан бошлаб бир йил давомида ҳисоблаб борилиши, ҳисобланган жарима баллари бир йил давомида ўн икки баллдан ошган ҳолларда охириги содир этилган ҳуқуқбузарликка қўшимча жазо тариқасида ҳайдовчининг транспорт воситасини

бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши қоидабузарлиқни одатга айлантириб олган айрим ҳайдовчиларимизнинг белгиланган қонун-қоидаларга қатъий амал қилган ҳолда ҳаракатланishларига, бир сўз билан айтганда, “эс-ҳушларини йиғиб” олишларига хизмат қилишига ишончимиз комил. Таъкидлаб ўтиш жоизки, мазкур қонуннинг кучга қира бошлагани “Адолат” СДП анчадан буён қатнов йўлларида юзага келаётган турли хил қўнғулсиз ҳодисалар, қоидабузарликларнинг олдини олиш мақсадида амалга ошириб келаётган қатор чора-тадбирлари бесамар кетмаганлигидан далolat беради. Жорий йилининг 6 ноябрида партия ташаббуси билан Ўзбекистон телеканалининг “Муносабат” кўрсатувидида “Муҳокама. ЙТХ: сабаб ва оқибатлар” маъзусидаги ток-шоуси доирасида айнан тақрор ва тақрор йўл ҳаракати қои-

дабузарлигини содир этганлиги учун баллиқ ҳисоблаш тизими ҳаётга татбиқ этилмаётганлиги бузунги кунимизнинг энг оғриқли муаммоларидан бири сифатида очиқланганлиги фикримизга далил бўла олади. Шунингдек, партия муассислигидаги “Adolat” ижтимоий-сиёсий газетасининг жорий йил 45-сониди эълон қилинган “Тадбиркор+радар=жарима, жарима, жарима... Ёхўд ойнадан ўлкалаётганлар кимлар?”, 46-сонидида “Йўл ҳангомалари” ва 24 ноябрь 47-сонидида “Шармандага шахар кенг экан, Ҳайдовчиларга йўл ҳаракати қоидабузарлиги учун жарима балларини ҳисоблаш тизими қачон ишга тушади?” таҳлилий-танқидий мақолалари ҳам шулар жумласидандир.

Жазо чора эмас. Бироқ қоидабузарлиқни касб қилиб олганларни тартибга қасдириш, тақрор ва тақрор оғоҳлантиришларга қарамай, ўз шахсий манфаат ва хоҳишлари йўлида ўзгалар ҳақ-ҳуқуқларини поймол этишда давом этувчи ўзбилармонларни белгиланган тартиб қоидалар асосида жазолаш, зарур бўлганда эга бўлиб турган ҳақ-ҳуқуқларидан маҳрум этиш жамиятда адолат тамойиллари барқарорлигини таъминлашга хизмат қилишига ишончимиз комил.

Жорий йилнинг 28 ноябрь санасида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мажлисида “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси асосида транспорт воситаси ҳайдовчилари томонидан йўл ҳаракатидаги 14 та қоидабузарлиқни доимий равишда содир этганлик учун жарима баллари ҳисоблаш тизимини жорий этиш белгиланаётганлиги “Адолат” СДП олиб бораётган ишларга ҳамоҳанг равишда жамият ҳаётида тинч ва барқарор ҳаётни таъминлашга катта ҳисса бўлиб қўшилиши шубҳасиз.

Қонун лойиҳаси муҳокамада

Болаларга зўравонлик келажакка зўравонликдир

Бугунги кунда айрим хорижий давлатларда бўлаётган ўзаро низо-лар ва урушлар туфайли беғуноҳ болалар азият чекмоқда, майиб-мажруҳ ва қаттот қурбон бўлмоқда. Бундан ташқари, бағритомш, ёвуз ва ахлоқсиз кимсалар томонидан болаларга нисбатан зўравонликлар қилинаётганлиги ҳар қандай қалбни ларзага солмоқда.

Исроилжон ЖЎРАЕВ,
Наманган вилоят Кенгаши раиси

“Адолат” социал-демократик партиясининг Сайловолди дастурида адолатли жамият қуриш, жумладан, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни зўравонликларнинг ҳар қандай туридан асраш, шунингдек, болаларнинг таълим-тарбия олиши, спорт билан шугулланиши, касб-хунар эгаллаши, давола-ниш учун барча шарт-шароитларни яратиш гоյлари илгари сурилган.

Кўзда тутилган мақсадларни тўлақонли амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон “Адолат” СДП Сийёсий Кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Болаларни зўравонликларини барча шаклларида ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси бўйича жорий йилнинг октябрь-ноябрь ойларида тарғибот ишларини ташкил этиш бўйича тавсиялар берилган эди. Унга асосан мах-

сус режа тузилиб, партиянинг Наманган вилоят кенгаши раҳбарлигида барча туман ва шахар кенгашлари раислари, депутатлар, партия фаоллари, адлия, ички ишлар ходимлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари, маънавият ва маърифат бўлимлири ҳамда бевосита жамоатчилик иштирокида жойларда янги қонун лойиҳаси батафсил ўрганиб чиқилиб, муҳокама этилди ва таклиф-мулоҳазалар билдирилди. Ўтказилган тадбирлар вилоят телевидениесининг “Дийр янгиликлари” ахборот дастурида ва вилоят ва туман газеталарида, ижтимоий тармоқларда тўлақонли ёритиб борилди.

Мазкур қонун лойиҳасини аҳоли ўртасида тарғиб этиш ишларида партиянинг вилоят кенгаши раиси ўринбосарлари Баҳодир Болтабоев, Ёркиной Ҳожи-матова, Наманган давлат университети



табий фанлар факультети талабаси, “Ёшлар қаноти” етакчиси Шаҳзод Нўзмоннов, шунингдек, шахар ва туман кенгашлари раислари, депутатларимиз, аёллар қаноти етакчилари фаоллик кўрсатишди.

Жойларда ўтказилган давра суҳбатларида вилоят ички ишлар бошқармасининг ёшлар билан ишлашни ташкил этиш бўлинимаси бошлиғи Улуғбек Шарипов, Тўрақўрғон туман ички ишлар

бўлимининг ҳудудий инспектор-психологи Жаҳонгир Неъматуллаев, “Аёллар қаноти” раиси Наргизахон Абдулазизова, Ўйчи туман кенгаши депутати Раҳмонберди Исмоилов, Чуст тумани “Боло” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Фурқатжон Маҳмудов аҳолини муҳокамага қўйилган қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти билан таништиришда фаоллик кўрсатишди.

Қонун лойиҳаси муҳокамасида иштирок этганлар ақидиллик билан болаларга қилинадиган ҳар қандай зўравонлик – келажакка қилинган зўравонлик, дея эътироф этишди.

Икки ой давом этган янги қонун муҳокамасида эллиқдан зиёд тарғиботчилар ва мингдан ортиқ аҳоли иштироки таъминланиб, улар томонидан ўнлаб таклифлар билдирилди ва болала манфаатларига зид бўлган ҳар қандай хатти-ҳаракатлар, жумладан, уларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни ва қадр-қимматини поймол этишга уринишлар қонун билан ҳимоя қилинсагина қўзланган мақсадга эришилиши таъкидлаб ўтилди. Бу борада ота-оналар, жамоатчилик кўз-қулоқ бўлиб, азиз фарзандларимизни ҳар қандамда назорат ва ҳимоя қилиб борсалар, руҳан тетик, бақамол авлод етишсади ва улар ватан равнақи, тараққиёти учун муносиб бўлиб вояга етадилар.

Муносабат

Кейинги йилларда жамиятда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида коррупцияга қарши мурасасиз муносабатда бўлиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтиришга қаратилган қатор чора-тадбирлар белгиланмоқда.

ОЧИҚЛИК — КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ ОМИЛИ



Олтиной МАМИРОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
«Адолат» СДП фракцияси аъзоси

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг 89-мақсадида ҳам коррупциявий омилларни бартараф этиш тизими самарадорлигини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантириш ишларини жадал давом эттириш белгиланган.

“Transparency International” халқаро ташкилоти томонидан эълон қилинадиган Коррупцияни қабул қилиш индексида камида 50 поғонага кўтарилишга эришиш белгиланган. Ўтган олти йил давомида Ўзбекистон ушбу ташкилот индексида 2017 йилги 157-ўриндан 2022 йил якунига келиб 31 поғона кўтарилиб, 126-ўринни эгаллаган.

Шунингдек, Стратегия доирасида давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларини бузиш ҳолатларини икки баробарга камайтиришга эришиш, давлат харидларини тўғридан-тўғри шартнома тузиш орқали амалга оширишда маб-лағларни талон-тороқ қилиш ҳолатлари, товар ва хизматларнинг нархи бозор қийматидан ошиб кетишининг олдини олиш бўйича жамоатчилик назоратини тўлақонли жорий қилиш ҳам назарда тутилган.

Куни кеча қабул қилинган “Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент фармони билан “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида белгиланган мақсад ва вазифалар ҳаётимизга татбиқ этилмоқда.

Хусусан, коррупцияга қарши курашиш соҳасига масъул бўлган Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ваколатлари кенгайтирилмоқда. Эндиликда, ҳар чорақда Агентлик давлат органлари ва ташкилотлари кесимида содир этилган коррупцияга оид жиноятларни таҳлил қилади ва ушбу жиноятлар кўрсаткичи ошган давлат органлари ва ташкилотларига кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар белгилаш учун Агентлик ҳодимлари ишти-рокида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдиримноа киритиб боради.

Ҳужжатга кўра, 2023 йил 1 декабрдан бошлаб очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхати қўйидагилар билан тўлдирилмоқда. Хусусан:

– ҳудудлар кесимида “Ҳаж” тадбирига бориш учун наватбада турган зиёратчиларнинг ягона онлайн наватбати тўғрисидаги (зиёратга борувчи шахсларнинг аризи наватбада қўйилган сана ва рўйхатдаги тартиб рақами) маълумотлар;

– болаларни давлат мактабига таълим ташкилотларига қабул қилиш учун берилган аризалар наватбати (рўйхати) тўғрисидаги (ариза наватбага қўйилган сана, рўйхатдаги тартиб рақами, ёш гуруҳи ҳамда ташкилот рақами) маълумотлар;

– давлат органлари ва ташкилотларида давлат харидларини амалга ошириш тартиб-таомилларини белгилловчи харид комиссиясининг ички идоравий тартиби (норм, регламент, йўриқнома ёки бошқа ички идоравий ҳужжат);

– марказий, ҳудудий ва тизим ташкилотларида бўш иш ўринлари, ишга қабул қилиш шартлари, номзодларга қўйиладиган талаблар ва тақдим қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотлар;

– давлат органлари ва ташкилотлари томонидан нодавлат нотижорат ташкилотларга тақдим этилган грант ва ижтимоий буюртма лойиҳалари ҳақидаги маълумотлар, шу жумладан, ғолиб бўлган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва уларнинг буюртма доирасида бажарган ишлари юзасидан ҳисоботлари ҳақидаги маълумотлар шулар жумласидандир.

Албатта, депутат ва жамоатчилик фаоли сифатида айтишим мумкинки, сўнгги вақтларда фуқароларни ҳаж зиёратига юбориш, айрим ташкилотлар томонидан амалга оширилган давлат харидлари тўғрисидаги маълумотларнинг ёпиқлиги фуқароларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлиб келаётганди. Фармонда белгиланган вазифалар шу ва бошқа омилларни бартараф этишга хизмат қилиши билан янада аҳамиятлидир.

Шу билан бирга, эндиликда фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун илмий кенгаш томонидан ўтказиладиган диссертация ҳимояси, ўрта-махсус ва профессионал таълим муассасаларининг тест синовлари ҳамда Президент, иҳод ва иҳтисослаштирилган мактаб-ларига қилиш имтиҳонлари, олий таълим муассасалари базасидаги ҳарбий таълим факультетларига (ҳарбий кафедра) қабул қилишдаги саралаш жараёнидаги интернет тармоғи орқали жонли эфирга узатиб берилади.

Умуман олганда, давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очикилиги ва шаффофлигини таъминлашда жамоатчиликнинг кенг иштирок этиши амалга оширилаётган ҳар бир ислохотларга нисбатан фуқароларнинг дахлдорлик ҳисси ортишига хизмат қилади.



Конституция билимдонлари сараланди

“Адолат” СДП Марказий аппарати ташаббуси билан “Ватан келажаги ёшлар қўлида” лойиҳаси доирасида ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган “Конституция билимдони” республика кўрик-танловининг ҳудудий босқичлари ўз нихоясига етди. Ғолибликни қўлга киритган ўқувчи ёшларнинг қувончи чексиз. Улар янги тахирдаги Конституция соҳасида ўзлаштирган билимлари муносиб баҳоланганидан, танлов доирасида жам бўлган кучли салоҳият эгалари саналган бир ғуруҳ ёшлар орасида ғолиблик шохсунасига кўтарилиб, республика йўлланмасини қўлга киритганларидан беҳад ишод.



киритган Самарқанд шаҳар юридик техникуми 2-босқич ўқувчиси Улугбек Собиров.

Танловнинг ХОРАЗМ ВИЛОЯТ босқичи ҳам кўтаринки руҳда, қизгин баҳс ва мунозараларга бой ҳолда ўтди. Урганч шаҳар 2-сон болалар ва ўсмирлар мусика мактабида бўлиб ўтган тадбирда танлов шартларини аъло даражада бажариб, барчанинг эътиборини тортган **Урганч туманидаги юридик техникуми ўқувчиси Дилрабо Эгамова** ғолиб деб топилди ва кўрик-танловнинг республика босқичига йўлланмани қўлга киритди. Шунингдек, танловда иштирок этган барча ёшлар салоҳияти муносиб баҳоланиб, фаол ишти-

роки учун турли номинациялар бўйича тақдирланишди.

— **Кўрик-танлов** **партия Сайловолди** дастури билан яқиндан танишишмга, Конституциямиз ва бошқа ҳужжатлар тўғрисидаги билим-



ларимни мустаҳкамлашга имконият яратди. Конституцион билимларимни янада мустаҳкамлашни давом эттириб, танловнинг республика босқичида ҳам ғолибликни қўлга киритишга ҳаракат қиламан. Келгусида партия фаоллари билан елкама-елка туриб юртимиз тараққиётига муносиб ҳиссани қўшаман, — дейди танлов ғолиби **Дилрабо Эгамова**.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ “Конституция билимдони” кўрик-танловининг вилоят босқичи Термиз шаҳри-

даги Республика Касаба уюшмалари Федерацияси Сурхондарё вилоят кенгаши мажлислар залида бўлиб ўтди. Тадбирда партия, вилоят ва туман кенгашлари фаоллари, депутатлар, кўрик-танлов иштирокчилари ва ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Беплашув жараёнида ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий билимларини мустаҳкамлаш, уларнинг орасидан энг иқтидорлиларини аниқлаш ва рағбатлантириш ҳамда партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларининг мазмун-моҳиятига ёшларнинг эътиборини кенг жалб қилишга алоҳида урғу берилди.

Қизгин ва кўтаринки руҳда ўтган беллашувда **Денов туманидаги Абу Али ибн Сино** номидаги саломатлик техникуми 2-курс талабаси **Сабрина Ҳамроева** кўрик-танловнинг ғолиби деб тан олинди ва республика босқичида қатнашиш учун йўлланмани қўлга киритди. Шунингдек, танловда фаол иштирок этган ёшлар ҳам вилоят партия кенгашининг дипломлари ва қimmatбаҳо совғалари билан тақдирланди.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ Қувасой шаҳридаги Президент мактабида ўтказилган шаҳар босқичида 29 та умумтаълим мактабларининг энг фаол ўқувчилари куч синашди.

“Адолат” СДП вилоят кенгаши, шаҳар Адлия бўлими, мактаб ва мактабга таълим бўлими, етук ҳуқуқшу-

нослар ҳақамлигидаги танловда ҳар бир ўқувчи янгиланган Конституцияни мукаммал ўрганганликларини ва танлов ташкилотчиси бўлган “Адолат” СДП Сайловолди дастури, мақсад ва гоёлари ҳақида етарлича билимга эга эканларини намоиш этди.



“Адолат” СДП Фарғона вилоят кенгаши, вилоят прокуратураси, вилоят иқтисодий ишлар бўйича судлов хайъати вакилларидан иборат ҳақамлар хайъати иштирокчиларнинг ҳар бир чиқишларини муносиб баҳолаб боришди.

Узоқ тортишув ва адолатли қарор чиқариш ҳақамлар учун ҳам осон кечмади. Ниҳоят, ғолиб аниқланди. **Ички ишлар вазирлиги қошидаги академик лицей ўқувчиси Сабринабону Нейматова** танловнинг республика босқичига йўлланмани қўлга киритди.

Шунингдек, “Конституция билимдони” кўрик-танловнинг СИРДАРЁ ВИЛОЯТ босқичида **Гулистон шаҳар юридик техникуми ўқувчиси Суннатullo Мамуржонов**, НАВОЙИ ВИЛОЯТИ босқичида **Навбахор туманидаги 2-умумтаълим мактаб ўқувчиси Азиза Тошпўлатова** ҳамда

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ босқичида Дўстлик туманидаги иқтисослашган мактаб ўқувчиси Олим Ниёзов ғолибликни қўлга киритиб, республика босқичида қатнашадиган бўлдилар.

“Адолат” СДП Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Хоразм, Сурхондарё, Фарғона, Сирдарё, Навоий ва Жиззах вилоят кенгашлари матбуот хизмати

ОБ-ҲАВО ИНЖИҚЛИКЛАРИ энди бизни чўчитолмайди!



Бу борада куни кеча давлатимиз раҳбари иштирокидаги йирик энергетика лойиҳаларига старт беришга бағишланган тадбирда Саудия Арабистонининг ACWA Power компанияси билан ҳамкорликда Сирдарё вилоятида 1500 мегаватт қувватли буғ-газ электр станциясини тармоққа улаш ҳамда Тошкент вилоятида “яшил водород”ни “пилот” тарзда ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш лойиҳаларига старт берилгани ҳам халқимизнинг турмуш шароитларини янада яхшилаш йўлида муҳим қадам бўлди.

Мазлумотларга кўра, биргина Сирдарёдаги қиймати 1,1 миллиард доллар бўлган иссиқлик электр станцияси лойиҳаси 3 миллиондан зиёд хонадон ва юзлаб саноат корхоналарининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжини таъминлашга имкон беради.

Бир ўйлаб кўрин-а, буғун 3 миллиондан ортиқ хонадонларнинг ҳар бирини ўртача 4-5 нафардан фўқура истиқомат қилишни ҳисобга олсак, ушбу лойиҳанинг амалга ошиши 12 миллиондан зиёд юртодошларимизнинг электр энергиясига бўлган талабини тўлақонли қондириши мумкин. Бундан ташқари, юзлаб са-

ноат корхоналарининг электр энергияси билан узлуксиз таъминланиши қўшимча иш ўринларининг ташкил этилишига, бозорларимизда нарх-навоининг арзонлашуви ва мамлакатимиз иқтисодиётининг янада жадал суратларда ўсишига хизмат қилади.

Яна шуни ҳам таъкидлаб ўтиш кераки, ACWA Power компанияси иштирокида Ўзбекистонда 7,5 миллиард долларлик йирик энергетика лойиҳалари амалга оширилмоқда. Уларнинг ишга туширилиши 2030 йилга бориб 25 гигаватт қайта тикланувчи энергия қувватларини яратиш натижасида 4,5 миллиард куб метр газни иқтисод қилиш ва атмосферага зарарли моддалар ташланмаларини 3 миллион тоннагача қисқартириш имконини бериши кутилмоқда.

Узоққа бормайлик, жорий йил бошида нафақат мамлакатимизда, балки минтақамизда қузатилган аномал совуқ об-ҳаво энергетика тизимимиздаги қатор камчиликларни яққол кўрсатиб берди. Афсуски, ушбу камчиликлар мамлакатимиз иқтисодиёти, халқ ҳўжалиги ва ишлаб чиқариш корхоналарига, шунингдек, кўплаб юртодошларимизнинг турмуш шароитига ҳам

жиддий салбий таъсир ўтказгани ҳам бор ҳақиқат.

Шу боисдан жорий йил давомида айни йўналишдаги муаммоларни тизимли бартараф этишга оид чора-тадбирлар шахсан давлатимиз раҳбарининг диққат марказида бўлди. Пировардида, ҳукуматнинг кун тартибидagi асосий масалалар қаторига кўтарилди.

Агар таҳлилларга қарайдиган бўлсак, йил бошидан буён электр таъминотини яхшилаш мақсадида ҳудудларда 831 км. магистрал, 29 562 км. тақсимловчи электр узатиш тармоқлари, 8 та магистрал подстанциядаги трансформаторлар ҳамда 10 158 та трансформатор пунктини мукаммал таъмирлаш ишлари тўлиқ якунланди. 961 км. паст кучланишли электр тармоқлари ва 228 та трансформатор пункти янгиланди. Шунингдек, Фарғона, Сурхондарё вилоятлари ва Тошкент шаҳри-

даги подстанцияларнинг қуввати 400 МВТга оширилди. Шу билан бирга ҳудудий электр тармоқлари корхоналарида киш даври учун 258 та ҳар хил қувватли трансформаторлар, 70 тонна сим, 80 км. кабелъ ва 490 тадан ортиқ муфталардан иборат ҳақамларига захира яратилди.

Шунингдек, Навоий вилоятидаги қуввати 500 МВТ бўлган шамол электр станциясини қуриш лойиҳаси доирасида 111 та “Goldwind” шамол турбиналаридан қурилиш майдонига 23 та тўлиқ комплект турбиналар келтирилиб, шундан 16 таси ўрнатилди, 33 та турбина асосларининг қурилиш ишлари якунланди. Тармоқ жадвалларига мувофиқ, дастлабки 100 МВТ қувват жорий йил декабрь ойида ишга тушади. Станция 2025 йил август ойида тўлиқ ишга туширилади.

Мухтасар айтганда, ўтган мавсумдаги ҳолатлардан тўғри хулоса чиқарган ҳолда мамлакатимизда энергетика соҳасини янги босқичга олиб чиқиш, аҳолининг табиий газ ва электр энергиясига бўлган эҳтиёжларини тўлақонли таъминлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Бугун яратилган имкониятлар ва мавжуд захира ресурсларига таянган ҳолда ишонч билан таъкидлаш мумкинки, юртимизда киш мавсуми ва об-ҳавонинг ҳар қандай инжиқликларига тайёргарлик юқори даражада.

9 декабрь – Бутунжаҳон коррупцияга қарши курашиш куни

Жамият тараққиётига таҳдид!

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2003 йил 21 ноябрдаги резолюциясига мувофиқ 2004 йилдан бошлаб “9 декабрь – Бутунжаҳон коррупцияга қарши курашиш куни” сифатида белгиланган.

Ушбу сана муносабати билан жорий йилнинг 29 ноябрь куни “Адолат” социал-демократик партияси томонидан “Ўзбек геология қидирув” акциядорлик жамияти билан ҳамкорликда “Коррупция – жамият фаровонлиги ва тараққиётига тўсиқ бўлаётган энг хавфли иллат” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Партия вакиллари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракция аъзолари ҳамда “Ўзбек геология қидирув” акциядорлик жамияти ходимлари иштирокидаги мазкур тадбирда жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни қарор топтириш ўта долзарб масала эканлиги алоҳида қайд этиб ўтилди.

Давра суҳбатида, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари – аҳолининг ҳуқуқий-сиёсий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида сўз борди.



Таъкидланганидек, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг дастурий мақсадларида коррупциявий ҳолатларнинг ҳар қандай кўринишига нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш ва унга қарши курашиш устувор вазифа этиб белгиланган.

Шунингдек, партиянинг Сайловолди дастурида коррупция ҳолатларини барвақт аниқлаш ва олдини олиш, уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш, манфаатлар тўқнашувида йўл қўймаслик ҳамда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш чораларини қўриш бўйича изчил таҳлиллар билан асосланган аниқ тақлифлар кўрсатиб ўтилган.

Тадбирда “Ўзбек геология қидирув” акциядорлик жамияти коррупцияга қарши ички назорат бўлим бошлиғи Д.Саидхоронов жамият тизимида коррупцияга қарши курашиш, коррупциянинг олдини олиш ва унга чек қўйишга оид амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳамда келгусидаги вазифалар хусусида тўхталиб ўтди.

Учрашув сўнггида жамият ходимлари мавзу юзасидан фикрларини билдириб, ўзларини қизиқтирган саволларга соҳа мутахассислари ҳамда партия фаоллари томонидан жавоб олишди.

“Адолат” СДП Матбуот хизмати

“ADOLAT” шарҳи

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳар ким муносиб меҳнат қилиши, касб ва фаолият турини эркин танлаши, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган қўлай меҳнат шaroитларида ишлаши, меҳнати учун ҳеч қандай камситишларсиз ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашининг белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиши, шунингдек, ишсизликдан қонунда белгиланган тартибда ҳимояланиши ҳуқуқига эгаллиги тўғрисидаги нормаларнинг мавжудлиги меҳнат муносабатларидан келиб чиқадиган ишларни кўришда судлар зиммасига қатъи масъулият юклайди.

Гулнафис ХУДАЙБЕРДИЕВА,
Навоий вилоят суди судьяси

МЕҲНАТ ҲУҚУҚЛАРИ
такомиллаштирилмоқда

Бунга фақатгина фуқаролар ҳамда тадбиркорларга ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини судларда ҳимоя қила олиши учун барча имкониятларни яратиш, суд ишларини юритишда тортишув ва тарафларнинг тенглиги тамойилларини тўлақонли рўёбга чиқариш, судларнинг ҳолислигини амалда таъминлашга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш орқали эришилади.

Жамиятимизнинг замонавий ривожланиш тенденциялари меҳнат соҳасида вужудга келаётган муносабатларга янги талаблар қўймоқда. Статистик маълумотларга кўра, 2022 йилда фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан меҳнат муносабатларига доир жами 11 112 та иш қўрилган бўлиб, шундан 6863 таси (61,8%) қаноатлантирилган, 1729 таси (15,6%) рад қилинган, 2142 таси (19,3%) кўрмасдан қолдирилган, 378 таси (3,4%) иш юритишдан тугатилган.

2023 йилнинг 9 ойи давомида эса жами 10 971 та иш қўрилган бўлиб, шундан 7263 таси (66,2%) қаноатлантирилган, 1376 таси (12,5%) рад қилинган, 2000 таси (18,2%) кўрмасдан қолдирилган, 332 таси (3%) иш юритишдан тугатилган.

Юқоридаги статистик маълумотлардан кўриниб турибдики, меҳнат муносабатларига оид низолар йилдан-йилга қўнайиб бормоқда ва даъво аризаларининг қаноатлантирилиш кўрсаткичи ҳам юқори бўлмоқда.

Ушбу ҳолат иш берувчилар томонидан меҳнат тўғрисидаги қонунчилик нормаларига тўлиқ риоя этилмаётганлигидан далолат беради. Барчамизга маълумки, Президентимиз томонидан 2022 йил 28 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги қонун имзоланди. Эски таҳрирдаги Меҳнат кодексига 294 та модда мавжуд бўлган бўлса, янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси 581 та моддадан иборатдир.

1995 йилдаги биринчи таҳрирдаги Меҳнат кодексидан фарқли равишда, янги Меҳнат кодексига мажбурий меҳнатни таъқиқлаш, ходимнинг ҳуқуқий ҳолати ёмон-

лашишига йўл қўймаслик кабилар асосий принцип этиб белгиланди.

Бу эса судьяларнинг янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси талабларини ўзлаштириши ва мукаммал ўрганиши, уни амалиётга татбиқ қилиши учун муайян суд амалиётини шакллантиришни талаб этади.

Меҳнат низолари – бу иш берувчи ва ходим ўртасида меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларни, меҳнат шартномасида назарда тутилган меҳнат шартларини қўллаш юзасидан келиб чиққан келишмовчиликлардир.

Янги Меҳнат кодекси ходимлар, иш берувчилар ва давлат мувозанатини таъминлаш ҳамда уларни мувофиқлаштириш асосида якка тартибдаги меҳнатга оид муносабатларни ва улар билан бевосита боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга солади.

Янги Меҳнат кодексининг қабул қилиниши муносабати билан суд амалиётида меҳнат муносабатларидан келиб чиқадиган фуқаролик ишларини кўриш жараёнида юзага келаётган муаммоларнинг ечимини топиш ва бир хилдаги суд амалиётини шакллантириш мақсадида эски таҳрирдаги Олий суд Пленумининг “Судлар томонидан меҳнат шартномаси(контракт)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланилиши ҳақида”ги 1998 йил 17 апрелдаги 12-сонли қарорини қайта кўриб чиқиш зарурияти туғилди.

2023 йил 20 ноябрда янги таҳрирдаги Олий суд Пленумининг “Судлар томонидан меҳнат шартномаси(контракт)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланилиши ҳақида”ги қарори қабул қилинди.

Ушбу Пленум қарорини тайёрлашдан мақсад меҳнат низоларининг айрим тоифаларини кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлилий шарҳлаш орқали қонунларни тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлашдан иборатдир. Бу қарорда меҳнат қонунчилиги нормаларини амалда қўллашнинг турли жиҳатлари кўрсатиб ўтилган.

Янги Меҳнат кодексига фуқаролик-ҳуқуқий шартномасини тузиш



ва мазкур шартнома асосида юзага келган муносабатларни якка тартибдаги меҳнатга оид муносабатлар деб эътироф этиш масаласида янги норма киритилди. Шунингдек, янги Меҳнат кодексига судга мурожаат қилишнинг муддатлари юзасидан ҳам ўзгаришлар киритилди.

Эски таҳрирдаги Меҳнат кодексига ишга тиклаш низолари бўйича ходимга у билан меҳнат шартномаси бекор қилингани ҳақидаги буйруқнинг нусхаси берилган кундан бошлаб, бир ой муддат белгиланган эди. Янги Меҳнат кодексига ушбу муддат, яъни ишга тиклаш тўғрисидаги низолар бўйича ходимга у билан меҳнат шартномаси бекор қилингани ҳақидаги иш берувчи буйруғининг нусхаси топширилган кундан эътиборан уч ой этиб белгиланди. Ушбу ҳолат ҳам ходимларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва ҳимоя қилиш учун муҳим аҳамият касб этади.

Шу муносабат билан Пленум қарорининг 6- ва 7-бандларида меҳнат шартномаси бекор қилинган куни ходим йўқ бўлганлиги ёки ҳужжатларни олишни рад этганлиги муносабати билан унга меҳнат дафтарчасини ёхуд электрон меҳнат дафтарчасидан кўчирмани ҳамда меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруқнинг кўчирма нусхасини бериш имконияти бўлмаган тақдирда, иш берувчи кейинги иш кунидан кечиктирмай ходимга меҳнат дафтарчасини олиш учун келиши ёхуд меҳнат дафтарчаси почта орқали юборилишига розилик бериши зарурлиги ҳақида билдиришмога юбориши шартлигига ҳамда иш берувчи ходимнинг меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруқнинг кўчирма нусхасини почта орқали юбориш учун розилигини олмасдан почта жўнатмасини топшириш ҳақидаги билдиришнома билан юборишга ҳақли эканлигига судларнинг эътиборини қаратиш ҳақида тушунтиришлар берилди.

Хусусан, суд амалиётида меҳнат шартномасини бекор қилишда эски таҳрирдаги Меҳнат кодексининг 97-моддаси (тарафларнинг келишуви билан) ва 99-моддаси (ходимнинг ташаббуси билан) қайд этил-

ган нормалар юзасидан кўплаб низолар келиб чиқарди, шу сабабли янги Меҳнат кодексига меҳнат шартномасини тарафларнинг келишуви билан бекор қилишда тарафларнинг келишуви меҳнат шартномасига доир қўшимча келишув билан ёзма шаклда расмийлаштирилиши, унда меҳнат шартномаси бекор қилинадиган сана, қўшимча келишув тузилган сана ва тарафларнинг реквизитлари кўрсатилиши шартлиги ҳақида янги норма киритилди. Шунингдек, янги Меҳнат кодексига дастлабки синов муддатлари юзасидан ҳам ўзгаришлар ўрин олди.

Эски таҳрирдаги Меҳнат кодексига дастлабки синов муддати уч ойдан ошиб кетиши мумкин эмаслиги белгиланган эди. Янги Меҳнат кодексига дастлабки синов муддати уч ойдан, ташкилотларнинг раҳбарлари ва ўринбосарлари, бош бухгалтерлар ҳамда ташкилотлар алоҳида бўлинмаларнинг раҳбарлари учун эса олти ойдан ошмаслиги кераклиги белгиланди. Шу муносабат билан Пленум қарорининг 10- ва 11-бандларида меҳнат шартномасида дастлабки синов шартлари батафсил баён қилинган.

Қарорнинг 12-бандида эса судлар дастлабки синовдан ўта олмаганлиги сабабли ходим билан меҳнат шартномасини иш берувчи ташаббусига кўра бекор қилинишининг қонунийлигига оид даъволарни кўришда иш берувчи бундай асослар билан фақат дастлабки синовнинг натижалари қониқарсиз бўлгандагина меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақли эканлиги, ходимнинг меҳнат шартномасида белгиланган ишни бажара олмаслиги аниқ фактлар асосида тасдиқланган бўлиши лозимлиги ҳақида батафсил тушунтиришлар берилган.

Хулоса қилиб айтганда, қабул қилинган Пленум қарори айни вақтда ягона суд амалиётини шакллантириш ҳамда иш берувчи ва ходимларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишда муҳим раҳбарий кўрсатма бўлиб хизмат қилади.

Худудлардан хабарлар

Ҳимоянинг қонуний асоси

Фарзанд дунёга келгач, унга оилада ота-она қанчалик замҳўр бўлса, давлат ҳам уни ўз ҳимоясига олади. Айниқса, келажакимиз эгаларини турли зўравонликлардан сақлаш, эркинлигини таъминлаш ёшлар сўёсати борасида олиб борилаётган ислохотларнинг асосини ташкил этади. Шу кунларда кенг жамоатчилик муҳокамасида бўлган “Бола-ларни зўравонликларнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам айни мақсадни ўзида ифодалайди.

“Адолат” СДП Андижон вилояти кенгаши томонидан Андижон давлат тиббиёт институтида ташкил этилган давра суҳбатида сўз олганлар бола-ларни ҳар қандай кўринишдаги зўравонликлардан ҳимоялаш ҳуқуқини таъминлаш ва бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш мақса-дида олдинда турган вазифалар кўрсатиб ўтилди. Қонун лойиҳаси билан аниқ тартиб ишлаб чиқилаётгани таъкидланди.



– Бугунги давра суҳбати олдига қўйилган масала ўта долзарб, – деди Ўзбекистон “Адолат” СДП Андижон вилояти кенгаши раиси Мадаминжон Мадазимов. – Фарзандларимизни яхши кўриш билан бир вақтда уларга тўғри муносабатда бўлишимиз лозим. Айрим ота-оналарнинг ўз фарзандига зўравонлик қилиши, баъзи таълим муассасаларида содир этилаётган кўнгилсиз ҳолатлардан кўз юмиш қийин. Шу маънода қонун лойиҳаси ишлаб чиқилгани бежиз эмас. Унинг 4-моддасида болаларни зўравонликдан ҳимоя қилишнинг асосий принциплари сифатида қонунийлик, инсонпарварлик, боланинг энг устун манфаатларини таъминлаш ва зўравонлик ҳолатларига мурасасизлик каби вазифалар белгиланган. Бу ҳар биримизнинг эътиборимизда бўлиши шарт.

Партия фаоллари, маҳаллий кенгаш депутатлари, “адолатчи” шифо-корлар ва жамоатчилик вакиллари иштирокидаги тадбир якунида қонун лойиҳаси бир овоздан қўллаб-қувватланди.

Андижон вилоят кенгаши матбуот хизмати

Хуқуқингизни биласизми?

Қонунчиликка кўра, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш ҳамда транспортни рўйхатга олиш бўйича давлат хизматлари хизмат кўрсатувчи ходим томонидан мурожаат этувчининг яшаш жойига бориб, планшет ёки компьютерга ўрнатилган техник қурилмалар ёрдамида қўшимча тўлов асосида кўрсатилади. (<https://lex.uz/docs/6555207>)

Трансмиллий жиноятчилик

ҚОНУН ҲИМОЯЧИСИ
ЖИНОЯТГА
ҚЎЛ УРДИ...

Зафар БОБОНОВ,
жиноят ишлари бўйича Сирғали тумани суди раиси

Мамлакатимиз Конституциясида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар қимга тугилганидан бошлаб тегишли бўлиши, инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсизлиги, ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган.

Конституциямизда кафолатланган бундай мезонлар “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги қонунда ҳам аксини топган. Ушбу қонунда одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги муносабатлар тартибга солинган.

Эндилкида тадбиркорлик, тижорат ишлари, сийёҳлик, ўқиш ёки ишлаш мақсадида хорижий давлатларга бораётган ватандошларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ишончли ҳимоя қилинмоқда.

савдоси мавжуд, яна 137 та давлатда одамлар мажбурий эксплуатация қилинмоқда.

Биргина 2022 йилда дунё бўйича 24,9 миллион нафар киши одам савдоси қурбонига айланган. Бу турдаги жиноятдан жиноий гуруҳлар йилга тахминан 150 миллиард АҚШ доллари миқдорида фойда кўрмоқда.

Одам савдоси жиноятининг оқибатлари жуда оғир. Чунки ушбу қилмишнинг ўта жirkanч ва хавфлилиги шундаки, у туйфали одам товарга айланади. Афсуски, дунё миқёсида глобал муаммо тусини олган одам савдоси жинояти юрти-мизда ҳам учраб турибди.

Яқинда жиноят ишлари бўйича Сергели туман суди Жиноят кодексининг 135-моддаси 2-қисми “е,з” бандларида назарда тутилган жиноятни содир этган Рашид Омонтошевга (исм-шарифлар ўзгартирилган) беш йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлади.



Воқеа тафсилотиغا тўхталадиган бўлса, Омонтошев Миллалар гвардияга қарашли Тошкент вилояти Қўриқлаш бошқармасида назоратчи вазифасида ишлаган. Олий маълумотли, оилали, икки нафар фарзанднинг отаси бўлган бу кимса оқибатни ўйламагани учун жиноят йўлига кирди.

2022 йилнинг август ойида Р.Омонтошев “Telegram” мессенжерда берилган эълонни ўқиб қолади. Унда пойтахтдаги хонадонлардан бирида массаж хизмати кўрсатилаётгани ҳақида маълумот берилган эди. Рашид эълондаги қизни кўриб, ёқтириб қолади ва у билан танишишга қарор қилади. Эртаси куни эълон бўйича ўша хонадонга борганда эшикни эълонга қўйилган расмдаги қиз эмас, бошқа бири очади. Ўзини “Зарина” деб таништирган, кейинчалик ҳақиқий исми маълум бўлган Фарзона расмдаги қизга ўхшаган эканини, у ҳозир уйда йўқлигини айтади.

Аммо Р.Омонтошев қиз рекламага бошқа расмни қўйиб, одамларни алда-

ган, деган фикрга боради ва жаҳл отига минади. Фарзонага ўзини ички ишлар тизимида ходимларнинг фаолиятини ўрганувчи шахсий хавфсизлик хизмати ходими, деб таништиради. Худудда ишлаётган профилактика инспектори ёки бошқа бирон-бир ички ишлар ходимининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари бўйича маълумотлар бор-йўқлигини сўрайди.

Шундан сўнг Фарзона опаси Севарага қўнғироқ қилади ва у билан гаплашишни сўрайди. Р.Омонтошев Севарага ўзини ички ишлар тизимида шахсий хавфсизлик бўйича ходим деб таништириб, Ички ишлар ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари ҳақида маълумот бериб турса, ўзининг ҳимояси остига олиши, фоҳишалик билан шугўлланишига ҳалақат берадиган ички ишлар ходимларидан қўриқлашини айтади. Севара ўзини ҳеч ким безовта қилмаётганини билдиради. Шундан кейин Рашид С.Ёқубова билан танишиб, гаплашиб юради.

Бир гал учрашганларида Севара

Р.Омонтошевга яшаш ва ижара ҳақи учун пул топишга қийналаётганидан ёзғиради, моддий аҳволини яхшилаб олиш учун Туркия давлатида яшовчи холасининг олдига кетмоқчи эканини айтади.

– Хорижда яхшигина пул топишнинг имкони бор, – дейди Р.Омонтошев унга жавобан. – Сенга ёрдам бераман. Мадина исмли танишим Бирлашган Араб Амирлигининг Дубай шаҳрида фоҳишалик билан шугўлланади. Хоҳласанг, унинг олдига юборишим мумкин...

Бир неча кундан сўнг С.Ёқубова Рашиднинг таклифига рози эканини айтади. Анчадан бери жувонни қармоғига илтириш пайида юрган Р.Омонтошев учун ишқий мақсадни амалга оширишда бу айни муддао бўлиб туюлади. У С.Ёқубовани ўзи билан тоғли худудга дам олиш учун боришга ундайди. Аммо эркакнинг таклиф ва талабини турли бошқаларнинг вақт-вақтида жувон рад этади. Бундан ғазабланган Р.Омонтошев жувонни кўрқита бошлайди.

Пўписадан ваҳимага тушган опа-сингил Р.Омонтошевдан қутилсақ, деган мақсадда яшаш жойини ўзгартиради. Бироқ Р.Омонтошев уларнинг янги ижара уйини ҳам топиб боради.

– Ўша сенга айтган танишим Мадина хорижда фоҳишалик билан шугўлланади, яхшигина пул топибди, – дейди у бир сафар келганида. – Яқинда Тошкентга қайтиб, уй олмақчи эмман.

Ижарада яшаш учун уй ахтариб юриш жонига тегиб кетган Севара бу гапни эшитган, Мадинага ҳаваси келиб кетади. Орадан бир неча кун ўтгач, Р.Омонтошев С.Ёқубовага қўнғироқ қилиб, хорижга чиқиш учун фуқаролик паспорти олишни буоради. Тез орада виза билан авиачипта тайёр бўлишини айтиб, бунинг учун Мадинага 2 минг 600 АҚШ доллари бериши кераклигини уқтиради.

– Кейинчалик ишлаб топган пулингнинг эллик фоизини Мадинанинг опакони бўлган уй эгасига берасан, қолган эллик фоизи ўзингича, – дейди Р.Омонтошев. – Сени Дубайга жўнатганим учун менга ҳам 2 минг АҚШ доллари юборишинг керак.

Бўлиб ўтган ана шу суҳбатдан сўнг Рашид жувонга танишининг телефон рақамини беради, “Telegram” орқали у билан гаплашиб олиши лозимлигини айтади. С.Ёқубова Мадина билан боғланиб, у ердаги тартиб ҳақида сўраганида Рашиднинг айтганларига айнан ўхшаш жавоб олади.

С.Ёқубова обдон уйлаб кўриб, Р.Омонтошев ўзини фоҳишабозлик билан шугўлланишига шахсларга солиб юбораётганини тушуниб этади ва бу ҳақда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ариза билан мурожаат қилади. Шу орада Р.Омонтошевнинг хориждаги таниши С.Ёқубованинг номига виза ҳамда “Тошкент – Дубай” йўналиши бўйича учувчи самолётга чипта олиб, уларни “Telegram” орқали юборади.

Одамфурушлик ортидан бойиш илжинида юрган Р.Омонтошев 2022 йилнинг 29 октябры куни тонги соат бешларда С.Ёқубовани Тошкент халқаро аэропортидан Дубай шаҳрига кузатиб қўяётган вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан қўлга олинади.

Бутун дунё мамлакатлари, жумладан, юртимизда ҳам одам савдосига қарши кенг қамровли кураш олиб борилаётган бир пайтда Р.Омонтошевнинг Миллий гвардия ходими бўлгани ҳолда ушбу жиноятга қарши курашиш, унинг олдини олиш чораларини кўриш ўрнига бундай оғир қилмишга қўл урганлини асло оқлаб бўлмайди. Бу бошқалар учун ҳам сабоқ вазифасини ўташи аниқ. Чунки ҳар қандай жиноятга жазо муқаррар.

IX-XII asrlar Sharq ilm-fani, maʼnaviyati, madaniyati uchun “oʻltin davr” deb ataladi. Bu davrni ilm-fan aʼli “Birinchi Sharq renes-sansi” degan nom bilan ham yuritilishiadi. Tўrt asrdan oshiq, qariyb besh asrga yaqin vaqt ichida ilm-fanning barча soҳalari niҳоятda юksalgan.

ТАРИХНИ ҲАҚИҚАТ БИЛАН НУРЛАНТИРГАН МУАРРИХ



Камол МАТЁҚУБОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист

Кўплаб улуг алломалар етишиб чиққанлар, Сомониylлар, Хоразмшоҳлар, Ғазнавийлар, Салжукийлар, Қорахонийлар мамлакатларида илмий ва адабий марказлар, байтул ҳиммалар, мажлиси уламолар, нафис анжуманлар фаолият юритган. Ана шу даврда бошқа фанлар қатори тарих илми ҳам тараққий этган. Буюк алломалар Абу Жаъфар Муҳаммад Таборий “Тарихи Таборий”, Абу Фазл Байҳақий “Тарихи Байҳақ”, Абу Райҳон Беруний “Хоразмнинг машҳур кишилари”, Абу Бақр Муҳаммад Наршахий “Бухоро тарихи”, Абу Ҳафс Наҳмиддин Насафий “Самарқанд тарихига оид қандайд китоб”, Муҳаммад Али Самарқандий “Синдбоднома”, Абу Саъд Абдулқарим Самъоний “Насабнома”, Абу Мансур Саолибий “Ажойиб маълумотлар”, Ибн ал-Асир “Мукаммал тарих”, Шиҳобиддин Муҳаммад ан-Насавий “Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти”, Минҳожиддин Жузжоний “Таботка Носирий” ва бошқа кўплаб муаррихлар тарих ҳақиқатларини ёритиб берган етук асарларини ана шу даврда яратганлар. Ҳша даврда фаолият юритган ва Шарқ тарихини тадқиқ қилган атоқли муаррихлардан яна бири Оловуддин Отамалик Жувайний ҳисобланади.

Оловуддин Отамалик ибн Баҳовуддин Муҳаммад Жувайний 1226 йилда Хуросоннинг Жувайи қасбасида Озодвор қишлоғида таваллуд топади. Ҳша даврда мўғуллар босқини туфайли Маворауннаҳр, Хоразм, Хуросонда мактаблар, мадрасалар, хонақоҳлар ёпилганлиги сабабли у таълимни оиласида олади. Унинг оиласидагилар ўз даврининг ҳукмдорлари саройларида фаолият юритиб келишган. Оловуддин Отамаликнинг катта бобоси Баҳовуддин Муҳаммад ибн Али етук шоир бўлган. У Хоразмшоҳ Султон Такии саройига яқин инсон ҳисобланган. Унинг қариндоши Мунтажибиддин Бадиул-қотиб ал-Жувайний Салжукий ҳукмдор Султон Санжар девонида бош котиб вазифасида фаолият юритган. Отамаликнинг кейинги бобоси Шамсиддин ибн Муҳаммад ибн Али аввал Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ девонида, кейинчалик Султон Жалолиддин Мангуберди саройида молия ишларини бошқарган. Муаррихнинг отаси Баҳовуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад Чингизхон ҳукмронлиги даврида Хуросон, Мозандарон, Озарбайжон, Гуржистон, Онадўли, Ироқ, Яъд ўлкаларини бошқарган мўғул ҳукмдорлари кўл остида муншийлик (котиблик) қилган ва баъзи шаҳарларда ноиблик вазифасини бажарган. У айна пайтда халқ орасида арабча, форсча шеърлар битган атоқли шоир сифатида ҳам танилган.

Отамаликнинг акаси Шамсиддин Муҳаммад Жувайний мўғул ҳукмдорлари Аргун, Хулогу ва унинг икки ўғли — Абока, Тақудорнинг Хуросон, Ҳиндистон, Грузия, Ироқ ҳудудларида салтанатни бошқарган даврида бош вазир вазифасида фаолият юритган. Шамсиддиннинг катта ўғли Шарофиддин Хорун ҳам мўғуллар кўл остидаги ўлкаларда ноиблик қилган. Жувайнийлар сулоласи етук олимлар бўлганлиги учун уларнинг саройлари алломалар тўпланадиган жойларга айланган. Шунинг учун ҳам уша даврдаги барча тарихчилар асарларида Жувайнийлар аждодлари ва авлодларини “алломалар ва соҳибдевонолар” оиласи деб тилга олганлар.

Оловуддин Отамалик Жувайний ҳам сулола фаолиятини давом эттиради. У 1243 йилда мўғул ҳукмдори Амир Аргун хизматиға киради. Унинг девонида дастлаб котиблик қилади, кейин молия ишларини бошқаради. Ҳша даврда мўғул ҳукмдорлари ўртасида бир одат бўлган. Уларнинг турли ўлкаларга тайинланган амирлари ҳар икки-уч йилда Чингизхоннинг бош қароргоҳи Қорақурумға бориб, халқдан йиғилган божлар, солиқлар, хирожаълари топишиб, жойларда амалга оширилаётган ишлар тўрисида Ҳоқонга ҳисоботлар бериб турганлар. Бу ҳисоботлар ҳукмдорлар фаолиятини текшириш, уларнинг ишларидан огоҳ бўлиш учун ҳам амалга оширилган. Ҳисоботнинг тўртлигини текшириш учун жойларга тафтишчилар ҳам юборилган. Шунинг учун амирларнинг ҳисобот топишириш жараёнлари баъзан оилаб, йиллаб давом этган. Оловуддин Отамалик Жувайний Амир Аргун хизматида 1256 йилға қадар бўлган ва у билан тўрт марта ҳисобот топишириш учун Қорақурумға борган. Қорақурумға қилingan сафарлар унинг ҳаётида ўчмас из қолдирган. Мўғулларнинг кўплаб юртларни вайронга айлантирганларини, қанча халқларни қиргин қилганларини ўз кўзи билан кўрди, бу воқеаларға гувоҳ бўлган одамларнинг ҳикояларини эшитди. Хонавайрон бўлган қалъалар, шаҳарлар, маданият ва санъат ёдгорликлари, ёндирилган мадрасалар, масжидлар унинг хотирасиға муҳрланди. Булар бўлғуси муаррих учун ўлмас тарих ҳақиқатлари, мудҳиш айбномалар эди. Бу хусусда у “Замонани ўзгартириш, айланувчи фалакнинг таъсири ва ишонсизлиги дунёда ҳеч тугамайдиган тушунмочиликларни келтириб чиқарди, дарс берилган жойларни вайрон қилди ва дарс беранларнинг илдини қиритди, илм аҳли ва илм излаганлар вмонлик ва зулминин барча турларига мубтало бўлди, кескир қилч қаршисида йўқ бўлдилар”, деб ёзади ва ўзининг уша пайтдаги ҳолатини шундай ифодалайди: “Фазилат ва илм соҳиблари гапимдаги кусурларни аёф

этсинлар. Чунки ўн йлдан бери оғимни гурбат йўлиға кўйдим. Билим олишдан орқада қолдим, китобларим саҳифаларининг устиға ўрчимчак ин қурди”. Шунинг учун Отамалик кейинги бутун ҳаёти давомида илмий иктидорини мукаммаллаштиришға, тарих илмини жиддий ўзлаштиришға интилди.

1256 йилда Хуросонда Чингизхон авлодларидан Хулогунинг ҳукмдорлик даври бошланади. Отамалик шу санадан бошлаб унинг кўзға кўринган маъмурларидан ва ишончли котибларидан бириға айланади. Маълумки, 1257 йилда мўғуллар Каспий денгизи соҳилларида жойлашган Исмоилийлар давлатини йўқ қилади. Унинг шаҳар ва қалъаларини вайронға айлантиради. Хулогу исмоилийларға қарши юришларида ўзи билан бирға Отамалик Жувайнийни ҳам олади. Отамалик Жувайний исмоилийларға қарши уруш якуниға етган Хулогуға, бузғунға ураганан бу ўлкани қайта қуриш ва обод қилиш керак, ана шунда катта бойликларни кўлға киритиш мумкин, дея маслаҳат беради. Унинг маслаҳатига кўра Исмоилия шаҳарларидан учтаси — Оламут, Қоҳира, Хабушон қайта қурилиб, обод масканларға айланади. Мўғуллар учун катта бойликлар келтиради.

Шу билан бирға Отамалик шон-шухрати Шарққа ёйилган Оламут кутубхонасининг талон-тарож қилинмаслиги ва бебаҳо асарларнинг тамоман йўқ бўлиб кетмаслиги учун яна Хулогуға илтимос қилади. Хулогу унинг бу илтимосини ҳам инобатға олиб, кўп йиллар давомида тўпланган китобларни ўз ичига олган кутубхонани ва ундаги илм-фанға оид бошқа бойликларни сақлаб қолишға иҳозат беради. Жувайнийнинг сайёҳаракати билан барча нодир кўлёмалар, расад илмиға оид бойликлар, асбоб-ускуналар сақлаб қолинади. Фақат исмоилия маъзабига оид куфр китоблар оловда ёндирилади.

Хулогу бошчилигидаги қўшиннинг 1258 йилда Ироқ пойтахти Бағдодға, халифалик марказиға юриши пайтида ҳам Отамалик иштирок этади. Бу хусусда у кейинчалик “Тасийятул-ихвон” деб номланган рисоласида шундай деб ёзади: “Сен мулкнинг хохлаганинға берасан, хохлаганингда тортиб олсан” ҳукми остида Аллоҳ Ироқ, Бағдод ва Хузистон мамлакатларини Аббосий халфалардан олиб, жаҳон подшоҳи Хулогуға таслим қилди. У ҳам 657 (1259) йилда, яъни Бағдод забт қилингандан бир йил кейин уша мамлакатлар бошқарувини ушбу сатрлар муаллифига топширди ва унаа барча ишларда мутлақ ёқолат берди”. Шундан кейин Отамалик Жувайний мўғуллар номидан Ироқ ва Бағдодни 24 йил давомида, то ўлимига қадар бошқарди. У гарчанд мўғуллар хизматида бўлса ҳам бутун фаолиятини бу шаҳар ва мамлакатнинг ободончилиги, халқнинг фаровон ва мўл-кўлчиликда яшашига сарфлади. Қишлоқлар аҳолиси ва деҳқонларға юктанган солиқларни, хирожаъларни қамайтирди. Бағдоднинг гарбий қисмида Фрот дарёсидан Қуфа ва Нажаф шаҳарларига қараган ораликда катта канал қаздирди. Каналнинг иккала соҳилида 150дан ортик қишлоқлар барпо эттирди. Асрлар давомида қуриб-қакшаб ётган Омбор ва Нажаф шаҳарлари оралиғида ян-яшил екин майдонлари, обод масканлар вужудға келди. Нажафда Хазрати Али шаҳид бўлган жойда катта работ тиклатди. Ироқликларни экин-тикин ишларига жалб қилди. Натижада бу мамлакатнинг даромади олдинги йилларға нисбатан бир неча бараварға ошди. Мўғуллар ҳужуми пайтида вайрон бўлган Бағдодни қайтадан қурдирди. Муаррихларнинг маълумот беришларича, Бағдод Жувайнийнинг бошқарув даврида Аббосий халфаларнинг ҳукмдорлик давридагидан ҳам обод, гуллаб-янаган ҳолда барпо этилган.

Жувайнийлар фаолият юритган даврда улар атрофларида, саройларида уша даврининг улў алломалари, адиблари, шоирлари, санъат намояндалари тўпланганлар. Жувайнийлар уларға ҳам моддий, ҳам амалий жиҳатдан ёрдам берганлар. Ўз навбатида, ўша улў алломалар, шоирлар, адиблар Жувайнийлар сулоласи вакилларини улуғлаб, кўплаб асарлар ёздилар. Бу хусусда машҳур тарихчи Шамсиддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад аз-Заҳабий “Тарих ул-ислом” асарида шундай деб ёзади: “Улар номларига китоб ёзган ҳар бир кишиға нақд юз динар қизил тилла берадилар. Олийҳимматликлари туфайли дин ва миллатидан қатъий назар ҳамма алломалар, адиблар уларнинг хузуриға бордилар ва номларига қимматли китоблар бағишладилар. Машҳур шоирлар уларни мадҳ қилувчи газалларини, қасидаларини умри боқий тарих асарларига кўшибдилар”.

Жувайнийлар хонадони билан яқин бўлганлардан бири буюк астроном ва файласуф Хожа Носириддин Муҳаммад Тусий эди. (Тусий асарлари Мирзо Улуғбек расадхонасида чуқур тадқиқ этилган). Хожа Носириддиннинг илмий фаолияти ва асарлари Жувайнийлар томонидан ниҳоятта улуғланган. Аллома фаолият олиб борган Тус шахридаги расадхона Жувайнийлар томонидан доимо маблаг билан таъминланиб турилган. Шунинг учун Хожа Носириддин Тусий “Авсаф ул-ашраф” асарини ҳамда “Таржимам самаран Батлимус” (таржима) китобини Жувайнийларға бағишлаган.

Ўз даврининг буюк хаттоти, Шарқ мусика санъатининг ривожланишиға жуда катта ҳисса қўшган улўғ санъаткор Сафиуддин Абдулмўмин

Юсуф ал-Урмавий ҳам Жувайнийлар билан ҳамкорлик қилган. У Отамалик ва Шамсиддин Жувайний билан яқин суҳбатдош, илм-фан соҳасида фикрдош бўлишдан ташқари, Отамалик кўл остида Бағдоднинг расмий ёзишмалар мудири, бош котиб бўлиб ишлаган. Сафиуддин Урмавий мусика ҳақидаги машҳур “Рисолаи Шурфия” асарини Шамсиддин Жувайнийнинг ўғли Хорун ибн Шамсиддинға бағишлаб ёзган.

Яна бир улўғ олим Камолиддин Мисам ибн Али ал-Баҳронийнинг “Наҳж ул-балого” асарига ёзган шарҳи ҳам Отамаликка бағишлаб битилган. Аллома қози Низомиддин Исфаҳонийнинг “Шурафу айвони-л-баён фи шарафи байти Соҳибдево” асарида Жувайнийлар оиласидаги атоқли инсонлар қасидалар, мадҳиялар, газалларда улуғланади. Ибн Сайқал ал-Жазарий ҳам эллиқ мақоматдан иборат бўлган “Мақомати Зайнабийий” асарини уларнинг номларига атаб битган. Ҳша даврнинг таниқли шоирларидан бири Хожа Ҳумоиддин Табризийнинг девонидаги ақсарият газаллар, қасидалар, марсиялар, шунингдек, унинг “Суҳбатнома” асари тўлалиғича Жувайнийларға бағишланган.

Булардан ташқари, машҳур шоир Шайх Саъдий Шерозий соҳибдевои Жувайнийлар билан ҳам дўстона, ҳам иходий ҳамкорликда бўлган. Шоирнинг кўплаб газалларида бу оилаға мансуб улўғ инсонлар мадҳ этилади. Шу билан бирға Шайх Саъдийнинг Шамсиддин ва Отамалик томонидан берилган катта маблағға Хуросондаги Кўҳандўз қалъасининг работини, дарвешларнинг бир неча хонақоларини барпо эттиргани тўрисидаги маълумотлар ҳам мавжуд. Умуман, муаррихлар асарларида ҳукмдор Жувайнийлар ўз даврида мингдан ортик алломалар, адиблар, шоирларға гамхўрлик қилганликлари, уларни кўплаб-куватлаганлари тилға олинади.

Отамалик Жувайний мўғул ҳукмдорларининг ишончига кирган, уларнинг ҳурматини қозонган, раҳбарлик лавозимларида фаолият юритган бўлса ҳам ҳаёти таҳлиқалардан холи бўлмаган. Уни 1262 йилда Бағдодда пайтида мулҳидлар (исмоилиялик қотиллар) ханжар билан жараҳатлайдилар. Табиблар ёрдами билан оёқға туради. Кейин рақиблари, душманлари унга бир неча бор тўхмат уюштириб, йўқ қилиш ҳаракатиға тушадилар. Бир гал уни мўғуллар душмани араблар билан ҳамкорлик қилишда айблашади. Лекин тўхматчилик гапи исботланмайдди. Кейинги гал “Китоб ул-фахрий” асарининг муаллифи, муаррих Сафиуддин Муҳаммад ат-Тиктанининг отаси Тожиддин Али ибн Муҳаммад ал-Алавий уни Бағдод бошқарувчилигидан олиб ташлатиб, ўрнини эгаллаш учун ҳаракат бошлайдди. Аммо бу ҳаракат натижа бермайдди. Мўғуллар Алавийдан кўра Отамаликка кўпроқ ишонч билдирадилар. Учинчи гал унга Маждулмулий Яъзди деган кимса “Отамалик Бағдоднинг барча бойликларини ўзлаштириб олиб, мўғул ҳоқонларини алдамқоқ”, деб тўхмат қилади. Отамалик мўғуллар томонидан кўлға олинадди. Бироқ текширишлар натижасида ҳақиқат қарор топади. Маждулмулий қатл этилади. Отамалик зиндондан хос бўлади. Мўғулларға қарамлик, мансаб ва бойлик талашиш оқибатида юзаға келган бундай мақоралар уни ҳам маънан, ҳам жисмонан қарчатади.

1282 йилда Хуросон, Форс Ироғи, Кирмон ҳудудларида ҳукмдорлик қилаётган мўғул ҳоқонлари, амирлари ўзгаради. Абоканинг ўғли Аргун амирлик лавозимини эгаллайди ва отаси билан Хуросонни бошқаришда иштирок қилганларни давлатға хиёнат қилишда айблаб, йўқ қилишға киришади. Ҳатто отасиға хизмат қилиб вафот этиб кетганларнинг майитларини қабрлардан чиқартириб, ўтда ёқтиради. Бундай хунрезликлардан четлашиш учун Отамалик Бағдоддан кетади. Мўғонға борганида хафакон касалиға чалинади ва 1283 йилнинг 5 мартида вафот этади. Акаси Шамсиддин 1284 йилда қатл қилинади. Шамсиддиннинг бешта ўғли, невараси, Отамаликнинг икки ўғли ушбу хунрезликлар қурбонига айланади. Шу тариқа соҳибдевонолар оиласининг мўғуллар хизматларидаги фаолиятиға яқун ясалади.

Отамалик Жувайний нафақат ижтимоий фаолияти билан, балки “Жаҳон фотиҳи тарихи” (Тарихи жаҳонгушо”) деб аталган машҳур асари билан ҳам тарихда ўлмас мерос қолдирди. У бу асарини 1252-1260 йиллар оралиғида ёзади. Асарнинг ёзилиши сабабини унинг муқаддима-сида шундай келтиради: “Подшоҳ(Чингизхон)нинг хузуриға осонгина йўл топан, унинг сафардаги чарқочларига ҳамроҳ бўлган вафодор дўстлари менға унинг ёзул аломатлари, адолатли қарорлари, турфа хислатларини абадилаштириш учун султонлар ҳақида айтилган ажойиб гапларни ортда қолдирабдиган, қисролар (сосонийлар) ҳақидаги ривоятларни унуттириб юборадиган бир асар ёзишим кераклигини маълум қилдилар... Маворауннаҳр, Туркистон, Чин-Мочин, Хуросон Чингизхон ва унинг ўғиллари томонидан забт этилган жойларини ҳаммаси китобимиза мавзу бўлди. Ҳикоя қилганим баъзи воқеаларни ўз кўзим билан кўрдим, баъзиларини ишончли кишилардан эшитдим. Бир қисмини эса тўғри эканлиғига қатъий кўз билан қараган тарихий манбалардан олдим. Вафодор ва узоқни кўра оладиган дўстларим оёқ тираб туриб олганликлари туфайли бу китобни ёзишни рад қилишнинг имкони бўлмади. Ҳақиқий, асл хабарларға таянган ҳолда қаламға олingan бу асар “Тарихи жаҳонгушои Жувайний” деб номланди”.

Асар уч жилдан иборат. Унинг биринчи жилдида мўғуллар ҳаёти, Чингизхон давлат тепасиға келиши, Ўйғур, Олмалик, Қоялик ва Фўлод

ўлкаларининг забт этилиши, Хоразмшоҳлар давлатиға юриш бошлаш сабаблари, Ўтрор, Жанд, Фанокат, Ҳўжанднинг босиб олиниши, Бухор, Самарқанд, Хоразм, Термизнинг фатҳ қилиниши, Марв, Нишопур воқеалари, мўғулларнинг Оловуддин Хоразмшоҳни таъқиб қилиши, Чингизхон билан Жалолиддин Мангуберди ўртасида бўлиб ўтган жанглар хусусида ҳикоя қилинган. Шу билан бирға Чингизхоннинг ўғиллари Жўжи, Чигаотй, Ўқтой, Тулу тақдирлари, Ўқтойнинг Ҳоқон сифатида тахтға ўтириши, унинг қилган ишлари, Тўрағана хотун, Фотима хотун, Ўғил Гаймиш хотун ҳаётлари, Куйқуқхоннинг тахтни эгаллаши, мўғулларнинг Булғор , Ос, Русь ўлкаларини босиб олиши билан боғлиқ воқеалар қаламға олинган.

Асарнинг иккинчи жилди Хоразмшоҳлар тарихиға бағишланган. Унда, аввало, Хоразмшоҳлар давлатининг пайдо бўлиши, Оловуддин Муҳаммад Хоразмшоҳнинг тахтға ўтириши, унинг қўшинлари томонидан Ғур ўлкаларининг, Мазондарон, Кирмон, Маворауннаҳр, Ғазнанинг босиб олиниши, Қорахонийлар хоналари ва уларнинг таназзули, Хоразмшоҳнинг халифа Носир билан муносабатлари, ҳаётининг сўнгги йиллари хусусида сўз боради. Бу жилддан яна Султон Муҳаммаднинг онаси Туркон хотун, унинг фарзандлари Ғиёсиддин Пиршоҳ ва Рукниддин Ғурсанжтйи ҳаётлариға оид маълумотлар ҳам ўрин олган. Асарда Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти, фаолиятиға оид бошқа тарихий битикларда учрамайдиган кўплаб маълумотлар берилган. Хусусан, унинг болалик йиллари, Ҳиндистондаги ҳукмронлик даври, Кирмонға, Форс Ироғи, Бағдодға, Гуржистонға, Онадўли султонига қарши юришлари тўла ақс эттирилган. Темур Малик ҳаёти, фаолияти билан боғлиқ маълумотлар эса тарихимиздаги яна бир ваатанпарвар шахснинг тақдирини ёритиб беришға хизмат қилади.

Асарнинг учинчи жилдида Чингизхоннинг невараси Мангу ҳоқоннинг 1249 йилда Хуросон ва унга ёндош ҳудудларни бошқаришға киришишдан бошлаб, Хулогу, Абока, Тақудорнинг ҳукмдорлик даврлариға оид маълумотлар берилган. “Жаҳонгушо”нинг учинчи жилдиға улўғ аллома Хожа Носириддин Тусий томонидан Бағдоднинг Хулогу томонидан фатҳ этилиши ҳақида ёзган асари ҳам алоҳида бўлим сифатида киритилган. “Жаҳонгушо”нинг дастлабки икки жилди таржимон Назарбек Раҳим таржимасида 2015 йилда “Мумтоз сўз” нашриётда чоп қилинган.

Отамалик Жувайний мўғуллар хизматида соҳибдевои сифатида фаолият юритгани ва асар мўғуллар бюортмасиға кўра ёзилгани учун унда Чингизхон ҳамда унинг авлодларини улуғлаш, мадҳ этиши табиий эди. Лекин муаррих асарни ёзишда “коса тағида нимқоса” усулидан фойдаланади. Яъни, асарида мўғулларнинг мадҳ этиш билан бирға уларнинг турли мамлакатларни босиб олишдаги ва халқларни бўйсундиришдаги ёвузликлари, ваҳшийликлари, хунрезликларига ҳам алоҳида урғу беради. Турли қатагонлар, қиргинлар, инсонлар бошиға тушган даҳшатлар туфайли мўғулларнинг асл башаралари намоён бўлади. Муаррих, бир томондан, уларни улуғлайди. Иккинчи томондан, XIII асрда пайдо бўлган фашизмнинг ақ қиефасини, ҳақиқий тарихни ақс эттириб беради. Отамалик Жувайнийнинг асарига хос бўлган яна бир хусусият шундан иборатки, у “Жаҳонгушо”да Чингизхоннинг, мўғулларнинг душманлари бўлган султонлар, амирлар, хонлар, маликлар ва турли шахслар (масалан, Хоразмшоҳ Оловуддин Муҳаммад, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Ғиёсиддин Пиршоҳ, Рукниддин Ғурсанжтйини қоралаб ёзмайди, аксинча, уларға хос бўлган барча хусусиятларни, ҳатто қарамонликларини ҳам улуғлаб ёзади. Бу унинг ўзига хос ватанпарварлик позицияси эди. Шунинг учун ҳам Жувайнийдан кейин яшаб ўтган тарих илмининг билимдонлари “У тарих илмини ҳақиқат билан нурлантирган улўғ муаррих эди”, деб эътироф этадилар.

“Тарихи жаҳонгушо” фақат тарихий битиккина эмас, бадий сўз санъатининг гузал намунаси, дидактик панднома, илм-фан, билимнинг қудратини улуғловчи, ҳаёт тажрибаларини ўзида жамлаган етук асар сифатида ҳам алоҳида эътиборни тортади. Ундаги “Билимисизлар белини ёстиққа суяган кўни билимли кишининг беллари синди”, “Илм ва фазилат илҳизлари фақат олимлар ва фозилларнинг ёрдамлари билан бақувват бўлади”, “Ҳаётда давлатни оёқда тутиб турадиган нарсас билимдир”, “Билимдонлар жоҳилларнинг хизматиға кирсалар, баркамол кишилар разиллик касалиға дучор бўлсалар, ҳаёт зулмат кўйниға киради”, “Дентиз дуру марваридлар билан инсонини ҳайратға солса, ҳаёт буюк инсонлари билан гўзал ва мангудир” каби кўплаб охори тўқилмаган қўйма сўзлар, қўйма фикрлар унинг юксак иктидорини намоён қилади.

Муаррихнинг “Жаҳонгушо”дан ташқари ўз ҳаёт йўлиға бағишланган икки қисмдан иборат “Тасийятул-ихвон” деб номланган рисоласи ҳам бор. У умрининг охириги йилларида ёзган бу рисоласини шундай ақунлайди: “Фақат ақл ва нақл билан эришилабдиган, анелаш ва идрок қилишдан узоқ бўлмаган нарсаларни иккиға ажрата оламиз. Улардан биринчиси — Пайғамбар мўъжизаси, иккинчиси эса сўздир. Мўъжиза сўзда қуринади”. Ҳақиқатан ҳам, Отамалик Жувайний асарлари билан, ўлмас мероси билан сўзининг сеҳрли қўқ эканлигини, унинг мангулигини, сўз ҳаёт, инсон, тафаккур, илм-фан, тарих ва дунёдаги жаммики нарсаларни ифодаловчи ҳамда улғай ҳақидаги маълумотлари аждодлардан авлодларға етказиб берувчи қудратли мўъжиза эканлигини исботлаб кетди.

Муносабат

ЁШ СПОРТЧИЛАРГА ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

Баркамол авлодни тарбиялаш ҳар қандай давлат, жумладан, Ўзбекистонда ҳам фаровонлик ва тараққиётнинг муҳим омилларидан биридир. Бу жараёнда мамлакатимиз таълим тизимининг узвий қисми бўлган болалар спортини алоҳида ўрин тутади. Бу соҳаға эътибор йил сайин ортиб бормоқда. Айниқса, спорт-таълим муассасалари фаолиятини ривожлантиришда давлат сиёсати даражасида аҳамият берилмоқда.

Диёр АБИДОВ, Яккасарой тумани адлия бўлими Давлат хизматлари маркази директори

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантиришда спорт таълим муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш, улар орасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш ҳамда таълим муассасалари фаолиятида замонавий технологиялардан самарали фойдаланишға алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ана шундай гамхўрликлар туфайли эндиликда бундай ўқув масканларига ўқувчиларнинг ҳужжатларини қабул қилиш ҳамда уларнинг ўқшини кўчириш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш давлат хизматлари маркази ёки ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали амалға оширилади. Бу борада спорт соҳасида давлат хизматларини кўрсатиш жараёнларини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 3 ноябрда “Спорт соҳасида давлат хизматлари кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 583-сон қарори қабул қилинди.

Ушбу қарор билан тасдиқланган маъмурий регламентларға мувофиқ 2023 йил 1 декабрдан бошлаб давлат спорт-таълим муассасалариға ўқувчиларнинг ҳужжатларини қабул қилиш ҳамда уларнинг ўқшини кўчириш, шунингдек, Ўзбекистон футбол ассоциацияси футбол академияларига ўқувчиларнинг ҳужжатларини қабул қилиш ҳамда уларнинг ўқшини кўчириш бўйича давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали кўрсатилади.

Ушбу қарор асосида Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиғиға Ўзбекистон футбол ассоциацияси, Рақамли технологиялар вазирлиғи билан биргаликда бу борада бажарилиши лозим бўлган қатор вазифалар юклатилди. Давлат спорт-таълим муассасалариға ўқувчиларнинг ҳужжатларини қабул қилиш ҳамда уларнинг ўқшини кўчириш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш тартиби ҳам белгиланди.



Регламентға кўра, давлат спорт-таълим муассасалариға ўқувчиларнинг ҳужжатларини қабул қилиш учун ариза берувчилар ҳар йили Олимпиа ва миллий спорт турлари бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатлари учун 20 июндан 20 июлгача, Спорт мактаблари ва ихтисослаштирилган спорт мактаблари, Олимпиа ва паралимпия спорт турлариға тайёрлаш марказлари учун 1 августдан 21 августгача Давлат хизматлари марказиға ёки ЯИДХП (my.gov.uz) орқали мурожаат қилади.

Таъкидлаш керакки, ушбу тартиб бошқа вазирлик ва идоралар тизимидаги спорт-таълим муассасалари ҳамда нодавлат таълим ташкилотлариға нисбатан татбиқ этилмайди.

Давлат спорт-таълим муассасалариға ўқувчиларнинг ҳужжатларини қабул қилиш ҳамда уларнинг ўқшини кўчириш, шунингдек, Ўзбекистон футбол ассоциацияси футбол академияларига ўқувчиларнинг ҳужжатларини қабул қилиш ҳамда уларнинг ўқшини кўчириш бўйича давлат хизматлари кўрсатиш спортсевар ёшларнинг сафи ортишиға, ҳужжат топиришда инсон омилини қамайтиришға, бир қатор оворагарчиликларнинг олдини олишға хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.



Европа демократияси нима?

“Nova24.uz” Интернет нашрида Европарламент депутати Германия вакили Виола фон Крамоннинг Страсбургда бўлиб ўтган йиғиндаги нутқидан иқтибос келтирилган. Унда депутат томонидан Ўзбекистоннинг Хитой Халқ Республикаси ҳамда Россия Федерацияси билан сўнгги йиллардаги муносабати, ҳамкорлиги қораланиб, *юртимизнинг Европада ўрнатилган демократик қоида, принципларга ўтишининг зарурлиги таъкидланган*, яъни европаликларнинг турмуш тарзи ўзбекларга тавсия этилган. Депутат Виола фон Крамон хонимга, ўзбекларга кўрсатилётган “ғамхўрлик” учун миннатдорлик билдириб, ўқувчиларимизга аслида “европаликларнинг демократик принциплари” нима, унинг асл мақсади ҳақида озгина маълумот беришни лозим топдик.

Абдуғаффор ОРТИҚОВ,
иқтисод фанлари номзоди, доцент

Тегишли манбалардан бизга маълумки, демократия – фуқаролар эркинлиги ва тенглиги қонунларда мустақамланган, халқ ҳокимиятчилигининг восита ва шакллари амалда ўрнатилган ва юзага чиқарилган сиёсий тузум. Демократия давлат билан инсон муносабатларини белгилайди. Демократиянинг асосий талаблари: ҳокимиятнинг кўпчилик асосида ташкил этилиши, фуқаролар тенг ҳуқуқлиги, улар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояланганлиги, Конституция ва қонунларнинг устуворлиги, ҳокимиятнинг бўлиниши, давлат бошлиғи ва ваколатли органларнинг сайлаб кўйилишидир.

Аслида европаликларнинг демократик принциплари ҳам мана шу қоидаларга асосланган. Аммо охириги йилларда, кўпчилик орзу қилган Европа демократияси аста-секин чуқур инқирозга юз тутиб бормоқда. Бизнинг бу фикримизни америкалик сисёшшунос олим Патрик Бьюкенен ўзининг “Ғарбнинг ҳалокати” китобида очикдан-очик тасдиқламоқда. Китобдан иқтибос келтирамыз: “Ғарб ҳалокат сари бормоқда. Ғарб халқлари мамлакатдан кўлаймай кўйди, ғарбий танглик ғарб цивилизациясига таҳдид солмоқда. Бугунги кунда Европанинг ўн етти мамлакатидан ўлиш туғилишига қараганда анча юқори, уларда бе-

шикларга қараганда тобутлар кўпроқ керак бўлмоқда. Католиклар, протестантлар, православлар – бари ғарб цивилизациясининг улкан дафн маросимида иштирок этмоқда”. Устига-устак, европалик янги мафкура яратувчилар барча эски ақида ва азалий қадриятлари оёқости қилмоқдалар ва бундай ҳатти-ҳаракат ғарбий цивилизациянинг ҳалокатини янада яқинлаштирмоқда.

Умуман, Ғарб цивилизациясида, ва хусусан, Европа Иттифоқида бугунги кунда юз бераётган негатив, салбий жараёнлар (Европа Иттифоқи тарафдорлари билан европоспектизм, яъни бу иттифоққа қарши кучлар ўртасидаги зиддиятнинг кучайиши, Европа Иттифоқидаги бюрократик иллатларнинг ортиб бориши, Иттифоққа аъзо мамлакатлар миллий манфаатларининг паймол қилиниши, Иттифоқнинг мигрантларга бўлган муносабати ва бу муносабатнинг кескин танқидга учраши, Европа Иттифоқи фундаментал асосларининг емирилиши, Буюк Британиянинг Европа Иттифоқи таркибидан чиқиши ва бошқалар) кучайиб бормоқда ва энг ҳафшатилиси, Европа демократияси ўзининг қоида, принципларига асосланиб ҳамда “инсон эркинлиги”, “инсон ҳуқуқлари”, “гендер тенглик” байроқлари остида, кўпчилик танқид қиладиган тоталитар тизимни “тушига” ҳам қирмаган ғайрининсоний, ғайри диний турмуш тарзини, янгича “ахлоқ”, “одоб”ни зўравонлик билан жорий қилишга бор кучини сарфламоқда.

Ижтимоий тармоқларда “янги Ев-

ропа қадриятлари”га қарши чиққан журналист, блогерлар таъкиб қилинмоқда, инсонларни “рангига” қараб ажратиш, хўрлаш авжига чиқмоқда, *бир жинсли никоҳ оддий ҳол бўлиб бормоқда, мактабгача таълим муассасаларида гомосексуалист ва трансгендерлар ҳақида гапирилиб, болаларнинг мияси заҳарланмоқда*. Европаликларнинг ҳаётига бағишланган видеолавҳаларда кўйидаги ҳолатларни кўриш мумкин: ҳар иккита ёшдан биттасининг танаси татуировкаларга тўлиб бўлган; ҳар учта боладан иккитасининг кулоғида зирак; ҳар тўртта боладан иккитаси наркоман; ҳар олтига эркакдан биттаси ўз жинсини ўзгартирган (аёлларда ҳам шундай нисбат); ҳар ўнта боладан биттаси болалидаёқ ўз жинсини ўзгартирган ёки ўзгартириш ниятида; жамоат жойларидаги ҳожатхоналарда “эркаклар”, “аёллар” хоналари бир хонага айланштирилган; минг-миг нопоклар иштирок этадиган “гей”лар, “трансгейдер”лар намоёйиши тинимсиз ўтказиб келинмоқда (жорий йилнинг ёз ойида Исроил давлатининг пойтахти Тель-Авивдаги шундай намоёйишда икки юз миң киши иштирок этди); *агар ота “гей”, “трансгейдер” ёки қора танли бўлмаса, ундай инсон бола тарбия қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилмоқда. Мана, сизга Европа демократиясининг моҳияти!*

Ғарб демократияси ғояларининг бундай тубанликка кетиши, инқирозга юз тутиши нафақат жаҳон ҳам-жамиятининг илғор, ҳалол ва пок, юқори ахлоқли меъёрларни тарғиб қилуви, маънавиятли инсонлари томонидан, балки Европа давлатларида яшовчиларнинг ҳам эътирозига, танқидига учрамоқда. Хусусан, Британиянинг Опен Демосгасу сайти томонидан Буюк Британия аҳолиси орасида ўтказилган суровномада, респондентларнинг тенг ярми **Европанинг бундай демократиясидан авторитар модел асосида, кучли, иродали шахс томонидан бошқариладиган тизимнинг афзаллигини таъкидлаганлар**.

Дунёдаги ҳар бир халқнинг ўзига хос одоб-ахлоқ намуналари, маънавий қадриятлари борлигини яхши биламиз. Ҳеч бир миллат ёки элатни

Ғарб халқлари ўзларидан

кўпаймай кўйди, ғарбий мамлакатлар аҳолиси шиддат билан қисқармоқда. Ўн тўртинчи асрда Европанинг учдан бирини қириб юборган Қора ажалдан кейин биз бундан жиддийроқ хавфга дучор бўлмаган эдик. Ҳозирги танглик ғарб цивилизациясига таҳдид солмоқда. Бугунги кунда Европанинг ўн етти мамлакатидан ўлиш туғилишига қараганда анча юқори, буларда бешикларга қараганда тобутлар кўпроқ керак бўлмоқда.

камситмаган ҳолда айтиш жоизки, ўзбек халқининг юксак маънавияти, гўзал одоб-ахлоқи жами башариятга андоза бўлишга лойиқдир. Ўзбек заминидан ўсиб-унган, жаҳон илму фани, адабиёти ва маданиятига бетакрор ҳисса қўшган тафаккур даҳоларининг ахлоққа оид асарлари ўз кадр-қимматини ҳеч қачон йўқотмайдиган бебаҳо хазина, келажак авлодлар учун дастуриламал, маънавий йўлчи юлдуздир. Наҳотки, Европарламент депутати Германия вакили Виола фон Крамон бизларни, у тавсия этган европача демократия қоидаларини қабул қилади, деб ўйласа хато қилади. Асло бундай бўлмайди.

Ўзбекистон Президенти кўп минтақаларда инсоний қадриятлар емирилаётганини, айрим ўлкаларда бетокатлик, тажовузкорлик кайфиятлари кучайиб бораётганига тўхталиб, **дунёни эзгулик, меҳр-шафқат, инсонийлик кутқаришини** ҳамда мамлакатимизда маънавий тарбия, халқимиз, айниқса, ёшлар ўртасида маънавий-маърифий ишларни янги босқичга кўтаришимиз кераклигини ҳамisha таъкидлаб келади.

Биз ғурури, орияти, маънавияти баланд халқмиз. Бу, ҳеч шубҳасиз, катта бойлик. Аждодларимиз асрлар мобайнида асраб-авайлаб келган бу бойлиқни йўқотмаймиз.

”

Ҳикмат

Бахт бу танловдир

70 дан ўтиб, 80 га яқинлашиб қолган бир дўстимдан ўзида қандай ўзгаришларни ҳис қилаётганини сўрадим.

У менга кўйидагиларни айтди:

1. Ота-онам, ака-ука, турмуш ўртоғим, фарзандларим ва дўстларимни сева-сева, энди ўзимни сева бошладим.

2. Дунё менинг елкамда эмаслигини англадим.

3. Мева-сабзавот сотувчилар билан савдолашишни тўхтатдим. Ортиқча тўланган пул мени синдирмайди, лекин бу камбағал деҳқонга қизининг ўқиши учун пул тўлашга ёрдам беради.

4. Мен официантга ҳам чойчақа қолдираман. Қўшимча пул унинг юзига табассум олиб келиши мумкин. Ахир унинг тирикчилиги меникидан кўра қийинроқ.

5. Мен кекса одамларга уларнинг битта воқеани неча марта такрорлагани ҳақида айтишни тўхтатдим. Хотира уларни умр йўлларида қайта юриб, ўтмишнинг эслашга мажбур қилади.

6. Мен одамларнинг нотўғри гапирганини билсам ҳам уларни тўзатмасликни ўргандим. Ҳаммани мукаммал қилиш юки менинг зиммамда эмас. Дунё мукамалликдан қимматроқдир.

7. Барчага саҳийлик билан илтифот кўрсатман. Яхши гаплар нафақат уларни эшитувчининг, балки менинг ҳам кўнглимни кўтаради.

8. Мен кўйлақдаги бурма ёки доғга эътибор бермасликни ўргандим. Шахсият ташқи кўринишдан кўра аниқроқ кўзга ташланади.

9. Мени қадрламайдиган одамлардан узоқлашишга ҳаракат қиламан. Улар менинг қадримни билишмайди, лекин мен биламан.

10. Каламушлар пойғасида кимдир мени қувиб ўтиш учун фитнага қўл урса, мен совуққонликни сақлайман. Чунки мен каламуш эмасман.

11. Мен ҳис-туйғуларимдан уялмасликни ўрганипман. Ҳис-туйғуларим мени одам қилади.

12. Мен тушундимки, муносабатларни тўхтатгандан кўра, ҳудудликдан воз кечиш яхшироқдир. Менинг ҳудудчилигим мени чеклайди, ундан воз кечсам мен ҳеч қачон ёлғиз қолмайман.

13. Мен ҳар кунни охириги кунимдек яшашни ўргандим. Ахир у чиндан ҳам охириги бўлиши мумкин.

14. Мени бахтли қиладиган ишни қиламан. Мен бахтим учун жавобгарман ва қарздорман. Бахт бу танловдир. Сиз хоҳлаган вақтда бахтли бўлишингиз мумкин, шунчаки бахтни танланг!



Энтони ХОПКИНС

Электр жиҳозларидан тўғри фойдаланинг

Огоҳлик



Давлат ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари мактабларда, мактабгача таълим муассасаларида, маҳаллалар ва ишлаб чиқариш корхоналарида ёнгининг олдини олиш борасида амалий кўрсатмалар бериш мақсадида учрашувлар ўтказиб келмоқда.

Саидакмал САИДАКБАРОВ, Комит АРИПОВ,
кичик инспекторлари

Юз бераётган ёнгинларга болаларни қаровсиз қолдириш, газ ва электр асбобларидан фойдаланишда ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик сабаб бўлмоқда. Кўйиш билан боғлиқ тан жароҳати олганларнинг асосий қисмини ўсимирлар ташкил этади. Улар билан суҳбатлашганимизда, бунга билиб-билмай қилган ҳаракати ёки ота-оналар назоратидан четда қолиш, ўт ёқиш, чўғ билан ўйнаш, баъзан тез алангаланувчи моддаларга ўта қизиқувчанлик сабаб бўлганлигини эшитамиз. Баъзида оловдан, газдан, электр иситиш асбобларидан нотўғри фойдаланиш ҳам ёнгинга сабаб бўлмоқда.

Шундай ҳолга тушиб қолмаслик учун фуқароларимиз ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишлари, аланга чиқиши эҳтимоли бўлган нарсаларни доимо эътиборда тутишлари керак. Ана шунда биз ёнгиннинг ҳам, қуйиш ҳолларининг ҳам олдини олган бўламыз.

Халқимизда “Олов дўст, олов душман”, деган ибора бежиз ай-

тилмаган. Дарҳақиқат, инсонларга қувонч, иссиқлик бахш этувчи оловдан тўғри фойдаланилса, у беминнат хизмат қилади, агар озгина тизгиндан чиқса ёки нотўғри фойдаланилганда ғам-ташвиш олиб келади, қулфатга сабабчи бўлади. Кимларнингдир бепарволиги, эътиборсизлиги туфайли содир бўлган ёнгинлар натижасида шахримиздаги қорхона, ташкилотлар, хусусий қорхоналар катта зарар кўраётгани ҳам сир эмас. Баъзи бир қорхоналарда, маъмурий биноларда, ўқув масканларида, даволаш муассасаларида, айниқса, туғар жойларда ёнгин хавфсизлигини таъминламаслик, ёнгин назорати ходимларининг кўрсатмаларини вақтида бажармаслик, огоҳлантиришларга бепарво қараш, катталарнинг лоқайдлиги натижасида ёнгинлар содир бўляпти.

Унутманг, ҳар қандай ёнгин – бу йўқотишдир. Ёнгин мол-мулкни йўқотиш билан бир қаторда инсон ҳаётига чанг солиши билан ҳам ўта хавфли. Бу борада ҳушёрлиқни асло қўлдан берманг, азиз юртдошлар.

ADOLAT
SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

Муассис:
«Адолат» СДП
Сиёсий Кенгаши

QR код
орқали
газетанинг
электрон
вариантини
юклаб олинг!



Бош муҳаррир: Исрол ҲАМРОЕВ

Тахрир хайъати:

Баҳром АБДУҲАЛИМОВ
Наримон УМАРОВ
Мухаммад А.ЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Мухаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖўРАЕВ

Зухра ИБРАГИМОВА
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Тальят МУРОДОВ
Абдуқамол РАҲМОНОВ
Умиджон СУЛАЙМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ
Шухрат ЯКУБОВ

info@adolatgzt.uz
www.adolat.uz
adolatgzt-95@mail.ru
t.me/Gazeta_Aдолat
adolat24.uz/

Масъул котиб – Абдуғани Содиқов
Навбатчи муҳаррир – Камол Матёкубов

Тахририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани «Шарк тонги» кўчаси, 23-уй.

Котибият – 71 288-42-14 (144);
Қабулхона – 71 288-42-12 (141) факс;
Реклама бўлими – 90 900-72-15

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г – 1200

НАШР
КўРСАТКИЧИ: 100
Алади – 6015
Босишга топширилган вақти – 21.00
Босишга топширилди – 21.00

Баҳоси келишилган нархда
Тахририятга келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.
Газетанинг етказиб берилиши учун буюмни расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

«Шарк» НМАК босмахонасида чоп этилди.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.



1 2 3 4 5 6